

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
НЕМИС ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЛЕКСИКА ВА СТИЛИСТИКА КАФЕДРАСИ

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: *„Бобурноманинг немисча талқинида унвон ва мансаб  
номларининг берилиши“*

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга  
қўйилди.

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Кафедра мудири: доц. Ш.Қ.Каримов

**Бажарди:** 4-босқич талабаси

Маматрахимова М.

**Илмий раҳбар:** доц. О.Мўминова

доц. Ш.Қ.Каримов

**Такризчи:** Г.Ҳамидова

Тошкент – 2008

**Ministerium für Hoch - und Fachschulbildung  
der Republik Usbekistan  
Usbekische staatliche Weltsprachenuniversität  
Fakultät für deutsche Philologie  
Lehrstuhl für Lexik und Stilistik**

# **QUALIFIKATIONSARBEIT**

**zum Thema: Die Übersetzung und Erläuterung der Titel- und  
Positionsbenennungen in „Boburnoma“**

Deutsche Philologie  
zur Erlangung des Bachelortitels

Die Qualifikationsarbeit ist geprüft und  
zur Verteidigung zugelassen.

„\_\_\_\_\_“

Lehrstuhlleiter: Dr. Sch.K.Karimov

**Vorgelegt von der Studentin der Gr.404:**

Mamatrahimova M.

**Wissenschaftliche Betreuer(in):**

Dr. O.Muminova / dr. Sch.K.Karimov

**Gutachterin:** G.Hamidova

Taschkent – 2008

***Бобурноманинг немисча талқинида унвон ва мансаб  
номларининг берилиши***

**Кириш**

**I БОБ. Асосий қисм**

- 1.1. Таржима, унвон ва мансаб номларига оид назарий қарашлар
- 1.2. Тилшуносликда таржиманинг ўрни ва мавқеи
- 1.3. Таржима ва таржимон маҳорати

**II. БОБ. Амалий қисм**

- 2.1. “Бобурнома” асари немисча талқини ва таржимадаги ўзига хосликлар
- 2.2. “Бобурнома” асарининг немис ва ўзбек тилларидаги вариантыда унвон ва мансаб номларининг берилиши ва уларнинг изоҳи
- 2.3. Мансаб номларининг маънавий – луғавий гуруҳлари
- 2.4. Давлат бошқарувидаги мансаб ва унвон номлари
- 2.5. Диний мансаб ва унвон номлари

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## **Кириш**

Ўзбек тили лексикаси қатор ишларнинг тадқиқот объекти бўлганлиги ишнинг умумий тавсифида қайд этилди. Шунингдек, ўзбек тили лексикасининг турли қатламлари, хусусан, қатор соҳалар атамалари тизимларини ўрганишга бағишланган ишлар ҳам анчагина. Аммо ҳозирги ўзбек тилидаги мансаб ва унвон номларини билдирувчи лексемалар алоҳида ўрганилмаган.

“Мансаб” лексемаси “Ўзбек тили изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланади: “мансаб, амал, вазифа”<sup>1</sup>. Бу таърифда мансаб термини асли русча “должность” сўзининг қуйидаги маъносини ифодалаш мақсадида қўллаб келинганлиги қайд этилган: “Хизматдаги мавқе, бирор бир муассаса, корхона ва шунга ўхшаш жойлардаги ўрин, шу билан боғлиқ хизмат бурчлари”. Бу тушунча ўзбек тилида, шунингдек, лавозим, вазифа, ўрин каби лексемалар синоними сифатида қабул қилинган.

Эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек тилидаги мансаб ва унвон номлари ўртасида маъно ва вазифа жиҳатдан муайян тафовутлар бор. Эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек тилларида фақат мансаб тушунчасини ифодаловчи лексемалар мавжуд: мухрдор, вазир, хоким.

**Ишнинг дозарблиги.** Шарқ ва ғарб ўртасидаги ҳамкорлигимиз тўғрисида гап кетадиган бўлса, нафақат савдо иқтисодий алоқалар, балки маданий адабий соҳалардаги ҳамкорликни назарда тутиш лозим. Ўзбек тилидаги унвон ва мансаб

---

<sup>1</sup> Ўзбек тили изоҳли луғати. Т.1. – Т.: Рус тили. 1981 – Б.446

номларининг немисча асарларда келиши кам ўрганилган бўлиб, бу ишимизнинг долзарблигини ифодалайди.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари** “Бобурнома”нинг немисча талқинидаги ўзбекча унвон ва мансаб номларининг ўзига хосликларини аниқлаш, уларга изоҳ бериш ва таҳлил қилишдан иборат. Мазкур ишнинг муҳим мақсадларидан бири тарихий асар таржимасида маълум бир менталитетга хос миллий колоритларнинг, жумладан, унвон ва мансабларнинг таржималари хусусида ўқувчига атрофлича маълумот беришдан иборат.

Ишимиз тузилиши жиҳатдан кириш, икки боб: асосий ва амалий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишимизнинг асосий қисмида биз таржимашунослик, таржимон маҳорати ва мансаб номларининг таржима қилиниши ва бу жараёндаги муаммолар ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтилди.

Амалий қисмда берилган маълумотлар бевосита “Бобурнома”нинг немисча талқинидаги унвон ва мансаб сўзлар билан боғлиқ. Бу бўлимда асарнинг ўзбекча ва немисча вариантларидаги унвон ва мансаб сўзлар маълум тартибга олиниб, таққосланди.

## **1 БОБ. Асосий қисм**

### **1.1. Таржима, унвон ва мансаб номларига оид назарий қарашлар**

Биз ушбу битирув малакавий ишида ўзбек тилидаги асарларнинг немис тилидаги таржимасини илмий томондан ўрганиб чиқиш давомида, авваламбор «таржима» сўзининг қаердан келиб чиққанлиги ва таржима тушунчасига ойдинлик киритишни лозим топдик. Шунга кўра ишимизнинг биринчи бўлимида таржима тушунчасига оид ўзбек ва немис олимларининг фикрлари, таснифлари билан танишиб чиқамиз. Бундан ташқари таржима турлари, таржимон маҳорати ва унвон ва мансаб номлари, шунингдек улар тўғрисидаги олимларнинг назарий қарашлари баён этилади.

### **1.2. Тилшуносликда таржиманинг ўрни ва мавқеи**

*Таржима* — форсча «тарзабон» сўзидан арабийлашиб ўзгарган («тарзабон» - чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши). Араб тилига “*Таржумон*” шаклида қабул қилинган, ундан «таржима» ёки «таржума» ҳосил бўлган. Ўзбек адиблари бундай тушунчани “чоғириш”, “ўтказиш”, “қайтариш”, “ағдариш”, “ўгириш” сингари атамалар билан ифода этганлар. Кўп йиллар давомида «таржима» шарқ, тавсиф, баён

қилиш, тушунтириш маъноларида ҳам қўлланиб келинган<sup>2</sup>. Таржима -тушунчасининг маъноси жуда кенг. Бир тилдан иккинчи тилга бадий адабиёт: шеър, драматик ва насрий асарлар фаннинг турли-туман соҳаларига доир илмий ва илмий - оммабоп китоблар, дипломатик хужжатлар, расмий қоғозлар, сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нотикнинг нутқлари, газета материаллари бошқа тилларда сўзлашувчи «тилмоч»нинг хизматига муҳтож бўлган кишиларнинг суҳбатлари таржима қилинади, кинофильмлар ўгирилади.

Таржима қилинаётган матн ёки нутқнинг қандайлигидан қатъи назар бир тилдан бошқасига ўгирилаётган ҳар қандай иш, яъни ҳар қандай таржима учун умумий бўлган икки ҳолат мавжуд:

- Таржиманинг мақсади – асл нусха тилини билмаган китобхон (ёки тингловчи) ни ўша асар текстини, мазмуни билан мукамал таништириш.
- Таржима қилиш – мукамал тил воситалари билан бир қарра ифода этилган нарсани бошқа тил билан аниқ ва тўла ифодалаш демакдир.
- Таржима – қайта ишлаш, қайта ҳикоя қилиб бериш, баён этиш, ташаббус, таҳдид ҳар хил «адаптация» лардан ўзининг ҳудди ана шу аниқлиги ва тўлаллиги билан фарқ қилади.<sup>3</sup>
- Таржима – бирор тилдан иккинчи бир тилга ағдарилган матн. Таржима бу - эркин таржима, сўзма - сўз ёки адабий таржима

---

<sup>2</sup>Н. Комилов. Бу қадимий санъат «Таржима санъати» мақолалар тўплами. Р.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1976, 55-61 б.

<sup>3</sup> А.В.Федоров «Основы общей теории перевода». Издание 3-е Изд-во. Высшая школа, М., 1968, 155-157 стр.

бўлиши мумкин<sup>4</sup>.

- Таржима – бирор тилдан бошқа бир тилга оғзаки ёки ёзма эркин, маънома-маъно ёки сўзма – сўз қайтадан бериш жараёнидир<sup>5</sup>.

- Таржима – бу тил ва тафаккурнинг бузилмас иттифоқи, муқояси, ширин ҳосили ўлароқ табиат инсонга ато этган улугъ неъмат, ажойиб мўъжиза. Таржима бор экан, халқлар бир-бирлари билан доимий жонли мулоқотда, адабиётлар бир-бири билан бевосита баҳраманд, таржима бор экан фикр-фикрдан сув ичади, бойийди. Таржима кенг маънода тил, тафаккур, маънавий ҳаёт тарзини қиёслашга асосланган экан, демак таржима миллий тиллар ва адабиётнинг мавқеини мустаҳкамлайди, салоҳиятини беқиёс оширади.<sup>6</sup>

- Таржима – бир тилдан иккинчи бир тилга аниқ ва тўлиқ тил воситалари орқали баён этиш демакдир. У инсон фаолиятининг руҳий кўринишига ва чуқур тарихий аҳамиятига эга. Таржима алоҳида халқлар маданиятида ва жаҳон маданиятида алоҳида ўрин тутади.<sup>7</sup>

- Таржима – миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа қилиш қуроли. Чунки у маданий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик эзгу армонлари, ғоя ва карашлари мужассамлашган асарларни ўзга тил соҳиби бўлмиш халққа етказди, халқнинг кўнгил дафтариини намойиш этади. Бинобарин, таржима адабий таъсирнинг ишончли омили ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2том.

<sup>5</sup> Langenscheidt - Berlin

<sup>6</sup> Ғайбулла ас-Салом «Эй умри азиз» Шарқ наш. Тошкент 1997 й.

<sup>7</sup> А.В.Федоров «Основы общей теории перевода» Москва, 1983. 9-10 стр.



Таржима туфайли жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялар, илғор ғоялар, бадий кашфиётлар усул-услуглар яқинлашиб, уйғунлик пайдо қилиб, бирлаша боради.<sup>8</sup> Юқоридаги тилшунос олимларнинг таржима тушунчасининг мазмуни ва унинг моҳиятларига билдирган фикрларига якун ясаган ҳолда таржима тушунчасига шундай хулоса қиламиз. Демак, таржима – бу бир тилда баён қилинган фикрларни ўзга бир тилда сўзловчи кишиларга тушунтириб беришдир, ёхуд юқоридаги мулоҳазаларни бирлаштирмоқчи бўлсак, таржима кўп соҳали сертармоқ, мураккаб жараёнлиги маълум бўлади.

Таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қайта яратилгандан иборат ижодий жараён, яъни сўз санъати демакдир. Шу фикрларга якун ясаган ҳолда таржима тушунчасига умумий шундай таъриф бермоқчимиз.

*Таржима* – бошқа халқ; тилининг ўрганиш жараёнида унинг ҳар томонлама тилга доир бўлган элементларини, грамматикасини ҳамда сўзларнинг маъносини тушунган ҳолда бошқа бир тилда ёритиб бериш жараёнини тушунамиз.

Таржима – халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган, қалбларни туташтирадиган улкан маънавий кўприк. Асрлар бўйи таржимонларнинг заҳматли меҳнати туфайли Шарқ ва Ғарбда яратилган бадиёт дурдоналари, тафаккур хазиналари қитъалар мамлакатлараро дўстлик, тинчлик, эзгулик уруғини сочиб, маданият тараққиёти йўлида хизмат қилган. Айни замонда таржима юксак санъат, маҳорат мактаби. У она тилининг

---

8 Т.Жўраев «Таржима санъати». З.Саттарова мақоласи. Т.Ғ.Ғулом нашр. 1985 й. 120 б.

бойлиги, жозибаси, гўзаллигини намойиш қиладиган улкан ижодий майдон. Шу туфайли унга ҳар доим катта маъсулият, талабчанлик билан ёндошилган. Бу санъатнинг оғир, заҳматли меҳнاتини зиммасига олиш, машаққатларига чидаш осон эмас. Таржимон энг аввало катта салоҳият эгаси бўлиши керак. У ўзга тилни қай даражада яхши билса ўз она тилини ҳам шунчалик чуқур билиши, нозик маъноларини теран хис қилиши, ўткир иборалар, хикматли сўзлар, мақол-маталлар, ҳаётий ҳодисалар, турмуш икир-чикирларини маҳорат билан гавдалантира олиши лозим. Акс ҳолда болкор шоири Қайсин Қулиев киноя қилганидек бошқа бировнинг учқур арғумоғини қирчанғи отга ёки соғин сигирга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Таржима – инсон фаолиятининг мураккаб ва кўп қиррали тури ҳисобланади. Таржима ҳақида гапирилганда, одатда “бир тилдан бошқасига” дейилса-да, таржима жараёнида бир тилни бошқаси билан алмаштиришгина тушунилмайди. Таржима амалиётида турли маданиятлар, ҳар хил шахслар, турлича тафаккур тарзлари, турли адабиётлар ва даврлар, ривожланишнинг турли даражалари, турлича анъаналар ўзаро тўқнашадилар. Таржима иши Билан маданиятшунос-у этнографлар, руҳшунос-у тарихчилар, адабиётшунослар қизиқадилар. Таржима фаолиятининг турли томонлари юқорида кайд этилган фанлар доирасида ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Айни замонда таржима илмида маданиятшунослик, когнитив, психологик, адабиёт ва бошқа соҳалар фарқланиб туради. Таржима моҳиятини энг

умумий тушуниш таржимага тиллар аро коммуникация воситаси деб қарашга бориб тақалади. Таржима лингвистик воситачилик деб қаралиб, унда хорижий матнни асл нусхани, бошқа тилга информация ва коммуникатив жиҳатдан матнни бошқа тилга бекам-у-кўст ўгириш деб тушунилади.

Таржиманинг икки асосий концепцияси лингвистик ва адабиётшунослик аспекти мавжуд.

Таржимашуносликда муаммолар иккига бўлиб ўрганилади.

Биринчи доирадаги муаммолар матнни таржима қила олиш ёки қила олмаслик масаласи билан боғлиқ таржима чегараси муаммоси масаласи ҳисобланса, иккинчиси биринчи муаммо билан боғлиқ, аммо хусусийлик касб этувчи таржима адекватлиги масаласидир. Бу ҳар икки муаммолар доираси ва уларни ҳал этиш таржиманинг норматив асосини ташкил этади.

Таржимада асосий ғояни тиллар ўйнаши ҳақидаги анъанавий тасаввурлар кейинги пайтда жиддий илмий асосга эга бўлди ва ҳозирги замон таржимашунослигида илмий таржиманинг лингвистик назарияларига етакчи ўрин берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, таржимони тилшуносликнинг қизиқиш доирасида ўрганиш нисбатан яқин вақтдан буён бошланди ва бунга эришиш учун муайян мушкулликларни енгишга тўғри келди.

Ҳозирги кунда таржима илми лингвистикага доир мураккаб ва кўпқиррали тури ҳисобланади. Таржима ҳақида гапирилганда, одатда «бир тилдан бошқасига» дейилса-да, таржима жараёнида бир тилни бошқаси билан алмаштиришгина тушунилмайди. Таржима амалиётида турли маданиятлар, ҳар ҳил шахслар, турлича тафаккур тарзлари, турли адабиётлар ва даврлар, ривожланишнинг турли даражалари, турлича анъаналар ўзаро тўқнашадилар.

Иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан халқлар ва одамлар аро ахборот алмашуви кескин кучайди. Бу «ахборот портлаши» — «таржима портлаши» деб аталувчи бутун дунёга таржимонлик фаолияти камровларининг кескин ўсишига олиб келди. Таржиманинг Янги турлари пайдо бўлди: синхрон таржима, фильмлар таржимаси (дубляж), радио-кўрсатувлар телеэшитишлар, теледастурлар ва ҳ.. Кўп сонли китобларнинг таржима қилинишидан ташқари турли ташкилотлар муаясасалар, корхоналар фаолияти доирасида катта миқёсдаги материаллар оғзаки ва ёзма тарзда таржима қилина бошлайди. Таржима иши билан нафақат профессионал таржимонлар, шуниндек, чет тиллардан воқиф бўлган инженер, кутубхоначи, дипломат, референт, ўқитувчи, ахборот марказларининг ходимлари ва бошқалар шуғуллана бошладилар.

Энди профессионал таржимонларни «устоз-шогирд» йўли билан индивидуал тайёрлаш, етарли бўлмай, барча мамлакатларда кейинги пайтларгача таржима ва

таржимонлик фаолияти ҳақидаги тасаввурлар бир ёқлама бўлиб қолмоқда. Таржима матбаачилиги фаолияти хорижий адабиётлар бўйича мутахассислар (хорижий тилларни биладиган муҳаррирлар (хорижий тилларни биладиган муҳаррирлар, стилистлар, мусаххихлар ва бошқалар) мавжудлиги ҳолда иш қўламини қониқарли деб айтиш мушкул.

### **Таржиманинг турлари ҳақида**

Амалга ошириш жиҳатдан биз таржима турини 2 та асосий қисмга бўламиз:

- Эркин таржима;
- Аслиятга хос бўлган таржима (адекват таржима);

Умуман олганда таржиманинг 3 тури мавжуд: Ёзма таржима, оғзаки таржима, сўзма - сўз таржима.

Ёзма таржима шу ўринда бир неча қисмга бўлинади.

Бадий таржима - бу таржимада асосий гап алоҳида олинган бирон сўз ёки жумлани таржимон қандай ўгирганидагина эмас, балки ҳар бир таржиманинг қадр-қиммати унда айрим унсурнинг нечук берилгани билан ўлчанмайди. Бадий таржимада баҳолаш мезони - талқиндир. Уни қайта яратиш жараёни эса уч босқичда амалга ошади:

- Асл нусха (оригинал) ни таржимон қандай қабул қилиши

(тушиниши)

- Асарнинг ғояси авторнинг мақсад - муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қандай талқин қилиши;
- Сўз санъати намунаси ўз она тилида қайта тиклашда муқобил воситалар орқали топа билиши.<sup>9</sup>

Таржимада айрим олинган ҳар бир ҳолатга қандай сўз ёки жумла жоизлигини «Луғавий эквивалентлик» эмас, табиий мувофиқлик, яъни тасвирланаётган характернинг “мижозига” маъно, услуб, оҳанг томонидан контекстуал мослик ҳал қилади. Бадиий таржимани илмий тавсифлашнинг энг қийин бўлган хоссаси шундаки, сўзни-сўз билан эмас, балки маънони – маъно, оҳангни - оҳанг, образни - образ, юморни - юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эга.<sup>10</sup>

Бадиий таржима нусха кўчириш эмас, балки интерпретациядир. Таржимоннинг эстетик эътиқоди, унинг ихтиёридан ташқари таржимада из қолдиради. Бадиий таржиманинг ўзига хослиги бадиий адабиётнинг ўзига хос сифатлари билан белгиланади. Бадиий таржимада интуиция билан таҳлил, илҳом билан қиёс, интерпретация билан аниқлик доим бирга юради.<sup>11</sup>

Таржимашунос олим Ғ.Саломовнинг назариясига кўра таржима турлари қуйидагиларга бўлинади:

---

<sup>9</sup> Ғ.Саломов «Таржима назарияси асослари» Тошкент, Ўқитувчи нашриёти 1983 йил., 74 б.

<sup>10</sup> Ғ.Саломов «Таржима назарияси асослари» Тошкент, Ўқитувчи нашриёти 1983 йил., 74 б.

<sup>11</sup> Ғ.Саломов «Таржима назариясига кириш» Ўқитувчи нашриёти, Т. 1978., 110-113 б.

- Бир тилдан иккинчисига қардош ёки қардош бўлмаган тилга таржима қилиш;
- Адабий тилдан унинг бирон шевасига ва бирон шевадан адабий тилга ёхуд бир тилнинг шевасидан бошқа тилнинг адабий тилга таржима қилиш;
- Қадимий давр тилидан ўша тилнинг ҳозирги замонавий ҳолатига таржима қилиш (масалан, қадимий немис тилидан ҳозирги немис тилига).<sup>12</sup>

### **1.3. Таржима ва таржимон маҳорати**

Биз ушбу илмий ишни тайёрлаш жараёнида бир неча журнал ва газеталарда таржимонлик маҳорати тўғрисидаги мақолаларни кўриб чиқдик. Моҳир таржимон Иброҳим Ғофуровнинг таржимон ҳамда таржима тўғрисидаги бир неча илиқ фикрларига кўзимиз тушди ва айти ҳамда биз ҳам уларнинг фикрларига қўшилгимиз келди. Умуман Иброҳим Ғофуровга қуйидаги саволлар билан муносабат қилинганда, яъни «Таржимон ўз ишини нимадан бошлаши керак, таржимага тайёргарлик жараёни қандай кечади?» қуйидагича фикр билдирганлар. - «Умуман олганда ҳаммаси қизиқишдан бошланади. Ўз шаклланган маънавий-руҳий, маданий қизиқишларимизга кўра биз жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини ўқиймиз. Ё яна бир қизиқиш сабабли бирор миллий адабиётида яратилган энг яхши асарлардан жавоблар излаймиз. Худди шундай эҳтиёжларга кўра жаҳон адабиётида мавжуд

---

<sup>12</sup> Ғ.Саломов «Таржима назариясига кириш» Ўқитувчи нашриёти, Т. 1978., 110-113 б.

оқимларни ўрганамиз. Модернизм, авангардизм, романтизм, реализм. Биз бу оқимларнинг ичига чуқурроқ киришни истаймиз. Шунда маълум бир асарлар ёки ёзувчилар ижоди бизга кучли таъсир қилади.

Кафкани ўқиб, ўйга ботамиз. Унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилинса, ўзбек ўқувчиси уларни қандай қабул қиларкан? Кафка ўзбек ўқувчисининг рухий дунёсига қандай таъсир этаркин, унда қандай ўзгаришлар ясаркин? Шунга ўхшаш саволлар устида ўйлаймиз. Агар Кафкадан ҳозирги замон ўзбек китобхони бирор нима олишига, ўзлаштиришига кўзимиз етса, бу асарлар ўзбекчага таржима қилинса, саз бўларди деган фикрга келамиз.

Таржимон таржимага хоҳлаган вақтда ёки бўлмаса рухий ҳолат кутмасдан ўтира оладими? Йўқ, албатта, таржимон олдин рухий ҳолат яратилмасдан туриб, ҳеч қандай ишга қўл ура олмайди. Масалан, чўмилгиси келган оҳам сувга бирдан калла ташлаб, шўнғиши ҳам мумкин. Мана шу ўринда моҳир таржимон Иброҳим Ғофуров таржима жараёнини қуйидагича таърифлаб оригинал ўхшатиш қўллайди. Оҳам ҳар қандай сувга кириш ёки тушишдан аввал у сувнинг атрофида бироз туради, юради, ўзини сувга чоғлайди, десак ҳам бўлади. Жуда камдан-кам оҳамларгина сувга бирдан, тайёргарликсиз тушиб кета оладилар. Лекин кўп ҳолларда сувга оҳиста, эҳтиёткорлик билан сувнинг ҳароратини чамалаб, сўнг кирадилар - ўзларини аввал сувга ўргатадилар. Оҳамлар сувдан, ўтдан кўрқадилар. Чунки булар - стихияси жуда кучли ҳодисалар. Ҳар қандай оҳам улардан доим эҳтиётини қилиб туради. Ижод жараёни ва унга «кириш» ҳам худди шу сувга



тушишга ўхшайди. Оҳам эҳтиёт бўлиб, ўзида бир кайфият, бир чоғланиш яратиб ва хис қилиб, сўнг ишга киради.

Таржима жараёнини ҳам ўз руҳи, ўз пири, ўз париси бор. Шунини хис қилсангиз ва олдиндан таржимага яхши, пухта тайёргарлик кўрган бўлсангиз, сўнг иш ўрнидан осон жилади. Аксинча, ишни бошлаб қўйиб, кўп бош қашиб ўтириш вақтни бой беришга тўғри келади. Лекин ҳар кимнинг руҳий ҳолатга кириши турлича бўлади. Яна шунини ҳам таъкидлаш жоизки, таржимада миллий колорит асосий рол ўйнайди ва у таржима жараёнида қандай яратилади. Бунда таржимон эркин бўла оладими, деб ўйлаган таржимон шундай таърифлайди. Таржимага таржимон ўзи мансуб миллатнинг колоритини сингдира олмайди. Фақат тил унсурларида фразеологияда баъзи оҳанг товланишларида таржимон миллатига хос колорит акс этиши мумкин. Албатта асардаги қаҳрамонларни ўзбекка, ёхуд бир чет эл қизини ўзбек қизига айлантириб бўлмайди. Шундай қилиш мумкин, лекин бу аслиятга ҳиёнат бўлади. Таржимондан моҳирлик, маҳорат талаб қилинади. Моҳирлик ва маҳорат эса маълум даражада эркинликсиз юзага чиқмайди. Эркинлик шу маънода, тўла маънода маҳорат билан боғлиқ. Лекин эркинлик асарни ўзи истаганча талқин этиш ва ўзгартириш, дегани эмас. Таржима асар, аслият билан беллашмоғи учун таржимон олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бу аслиятнинг ўзини билиш, яхши тасаввур қилиш, унга уйғунлик хис қилиш ва ниҳоят энг муҳими уни севиш керак. Агар таржимон севса, беллашиш фароғат ва лаззат бахш этади. Севсак беллашишдан чарчамаймиз ва бу жонимизга ҳам ҳеч тегмайди. Иброҳим Ғофуровнинг наздида таржимон маҳорати,

таржимада махорат, шунингдек ёзувчи махорати билан таржимон махорталари тушунчалари қуйидагича таърифланган. Яъни, таржимоннинг махорати бу қайта бино қилиш. Таржимон яратмайди, у қайта бино қилади. Бу дегани қайинни ўзбек боғига кўчириб келтириб ўтказиш эмас, балки, бир иқлим ниҳолини бошқа бир иқлимга келтириб ўтказиш унчалик қийин иш эмас. Бунинг учун озгина боғбонликдан хабардор бўлинса ёки боғбон фаросати бўлса кифоя.

Таржимоннинг махорати эса бошқача. У ўша қайинни олиб келиб, ўз халқининг қалбига экади, пайванд қилади. Пайванд зўр бўлса, қайин тутиб кетади. Узоқ замонлар яшайди. Кўп қалблардан жой топади. Лекин пайванд чала, жўн бўлса, асар мумтоз бўлсада, юракларда турмайди. Шунинг учун мен таржимонларни пайванд қилувчиларга ўхшатаман. Ёзувчининг махорати йўқни бор қилишда. Таржимоннинг махорати борни бор ва борни пайванд қилишда. Умуман олганда ижод одамни кўкларга кўтаради. Таржимон эса хамиша ерда юриши мумкин. Ижод қилаётганда ўз такрорланмас мулкингизни яратасиз. Таржима қилаётганда эса қандай бўлмасин, сизгача ҳосил қилинган ходисага эргашасиз. Эргашиш билан яратиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Хулоса ясайдиган бўлсак, бадий асарлар таржимони сева билиши керак. Асарни севмасангиз, таржима ҳам жуда совуқ ва қурук чиқади. Агарда севсангиз, севги жумлаларингизга ўт ва ҳарорат, жозиба бағишлайди.

Олим таҳлил қилади, ёзувчи тасвирлайди, актёр тийнат-(характер) яратади, деймиз. Таржимон нима қилади? Таржимон турган гап

таржима қилади. Мутаржим жудаям ўзига хос лаёкат, иқтидор, истеъдод, билим соҳиби бўлишдан ташқари, унинг заковатида деярли барча ижод ахлининг фаолиятига хос: таҳлил, тасвир, тийнат яратиш, кайфият туғдириш, ва ҳатто махсус «ўқий билиш» сифатлари жамулжам. Таржимонда ёзувчи ва танқидчининг, актёр, рассом ва олим меҳнатидан ҳам нимадир бор. Бу шундан иборатки, таржимон сўзшунос бўлиб таҳлил қилади, актёр сингари бошқанинг (бу ўринда - муаллифнинг) қиёфасига киради ва айна вақтда ўзлигини сақлайди, «ўлик матн орасидан муаллифнинг жонли сиймосини ва қалбини қидиради. Хуллас, гап орқасидан қувмайди, балки маъно, куй, оханг, бўёқ излайди.

## **II. БОБ. Амалий қисм**

### **2.1. “Бобурнома” асари немисча талқини ва таржимадаги ўзига хосликлар**

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-мемуар автобиографик аҳамиятга эга “Бобурнома” асари туркий халқлар ва XV аср Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт, халқлар, элатлар ва шунингдек тарихий жараёнлар ҳақида тўлақонли маълумот берувчи манбалардан бири сифатида дунё олимлари ва тадқиқотчиларининг изланиш марказида бўлиб келган ва ноёб манба сифатида эътироф этилган. Унинг кўпгина чет тилларга таржима қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Бобурнинг “Бобурнома” асари рус, француз, бир неча бор инглиз тилларига, шу жумладан 1828 йилда А.Кайзер томонидан немис тилига ўгирилган.

Асарни таржима қилиш мобайнида тўғридан тўғри турк тилидан эмас балки, асарнинг инглизча таржимасидан ҳам фойдаланган. Асарнинг инглизча таржимаси икки хил вариантда бўлиб, биринчиси эски ўзбек тилидан Ж.Лейден ва иккинчиси форс тилидан У.Эрскин томонидан таржима қилинган. Ушбу икки таржимани умумлаштириб Кайзер эски ўзбек тили, форс, инглиз ва немис тиллари семантикасини ўрганиб чиқиб, асарни немис тилига муваффақиятли тарзда таржима қилган.

Асар мемуар ва тарихий бўлиши билан бир қаторда илмий ва энциклопедик аҳамиятга ҳам эгадир. Шу боисдан асар таржимаси устида иш олиб бориш жараёнида таржимондан юксак маҳорат

талаб қилинади. Асарнинг асл нусхаси эски ўзбек тилида битилган бўлиб, ундаги баъзи сўзларнинг муқобил вариантини топиш ва таржима қилишда хатолар кўзга ташланади. Асарда табиат тасвири, портрет, характер тасвири, лисоний ва услубий воситаларнинг келиши, мақол, афоризм, идиомаларнинг мавжудлиги таржимада бир неча қийинчиликларни юзага келтиради.

Мисол тариқасида ушбуларни келтириб ўтишни жоиз топдик.<sup>13</sup>

1. тенгри раҳматиға бормоқ (221-б.)

von der Welt aufgerufen werden (S.329)

2. оламдин нақл қилмоқ (196 –б.)

die Erde verlassen (S.285)

3. жон чикмоқ (183 – б.)

den Geist aufgeben (S.264)

4. вафот қилмоқ (162 – б.)

die Schuld des Lebens entrichten (S.210)

5. олами фонийни видоъ қилмоқ (162 – б.)

das wechselreiche Leben verlassen (S.210)

6. оламдин кечмоқ (81 –б.)

ausatmen (S.105)

---

<sup>13</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989

7. шунқор бўлмоқ (64 –б.)

umkommen (S.78)

8. ажал етмоқ (137 –б.)

die Stunde des Schicksals schlagen (S.186)

9. ўлмоқ (69 –б.)

sterben (S.86)

10. ўлмоқ (жангда, урушда)

fallen (S.100)

Сўзларнинг айнан муқобил вариантларини топиш, қадимий туркий тилнинг лексик-фразеологик хусусиятларини таржимада акс эттира олиш таржимон олдиға қўйилган энг муҳим мақсад ва вазифалардан биридир. Таржима тўғридан тўғри асл нусхадан эмас, балки инглизча вариантдан таржима қилинганлиги боис исмлар, реалиялар, атамалар, лақабларни муқобил вариантларини топиш таржимонга бир мунча қийинчиликлар туғдиргани асар мисолида маълум бўлди.

Асарни ўқиш мобайнида исмларнинг турли хил кўринишларда келишиға гувоҳ бўлишимиз мумкин: “Худойберди Темуртош”, “Худойберди туғчи”, “Бадиуззамон”, “Ҳофизбек дўлдай”, “Искандар Файлакус”, “Ҳотам кўрбеги”, “Аҳмад Элчи Буға”,

“Ғўри барлос”, “Сайид Қосим эшик оқо”, “Бобо ўғли Олловеран туркман”, “Шерқули қоровул мўғул оға” ва бошқалар.

Асарда шахс тасвири катта ўрин тутади. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзига хос услубга эгаллигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бобур тасвирлаш жараёнида ўта бадийликка эътибор бермайди. У буюк Алишер Навоий шундай ёзади:<sup>14</sup>

А. Алишербек назири йўқ киши эди.

*Ali schir hatte in der That nicht seines Gleichen.*

Б. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўп айтғон эмас.

*So lange man Gedichte in turkischer Sprache verfasst hat, schrieb kein Mensch so viele und so vortreffliche.*

В. Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай

*In der Geschichte findet sich kein Mann, der ein grosserer Beschützer des Talents und der Wissenschaft gewesen wäre, wie Ali Schir Beg Nawoi.*

Бундан ташқари асардаги “йиғоч”, “курух”, “шаръи”, “дирхам” каби ўлчов сўзлар, “Қўшгумбаз”, “Қўштегирмон”, “Хўжанд” каби топономик бирликлар, миллий таом, ичимлик, махсулотларни билдирувчи “чоғир”, “арақ”, “қимиз”, “ханзал”, “шира” каби

---

<sup>14</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989

сўзлар, “чорук”, “чопон”, “тўн”, “жубба” каби миллий кийимларни ифодалоқчи лексик воситалар таржимондан таржима жараёнида шу миллат ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлишни талаб этади.

## **2.2. “Бобурнома” асарининг немис ва ўзбек тилларидаги вариантыда унвон ва мансаб номларининг берилиши ва уларнинг изоҳи**

1. Тарихий манбалар, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги давлатнинг олий ҳукмдори султон, амир каби номлар билан аталиб келинган. Жумладан, Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам ушбу унвон номи кўп ўринларда қўлланган. Бунга асарнинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини ҳамда ўша давр тарихий шахслари ҳаёти ҳақида тўлақонли маълумот берилганлигини сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

*Тошканд бузуглигида Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга тушуб эрди, анинг бир қизи бўлиб эди.*

*.... wurde bei der Einnahme von Taschkent von Scheibani Khans Sohne Temur Sultan gefangen und gebar von ihm eine Tochter.*

2. Шоҳ – подшоҳ. Турли даврларда давлат бошлиқлари, ҳокимият эгалари шоҳ деб аталган. Бундай номлар тарихий манбаларда кўплаб учрайди. Турли миллат, элат, давлатлар бошлиқлари ўрта



асрларда турлича номлар билан юритилган. Мисол учун бизда шоҳ, подшоҳ, хон, амир ва бошқалар, Европада эса цезар, кайзер кабилар.

*Шохбегим Бадахшон шоҳи шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди.*

*Schach Begum war die Tochter des Schach Sultan Muhammed, Königs von Badukschan.*

3. Тугчи – байроқдор, байроқни олиб юрувчи

*Андижон вилоятини бериб, Худойберди тугчи Темуртошни бек атка қилиб юборди.*

*Umerscheich Mirza gab ihm den Khoda-Berdi Taimur-Tasch zu seiner Unterstützung dahin mit.*

4. Кўкалтош – сут эмишганлик жиҳатдан шаҳзодага биродар бўлган киши; шаҳзода энагасининг ўғли.

*Мен ва Муҳаммадий Кўкалтош икков келдук, бегим ва бегимнинг ёвуғидагилар танимадилар*

*... kannten mich und den Muhammadi Kakultasch, mit dem ich ihr entgegen kam; nicht einmal als ich sie anredete.*

5. Ҳоким – вилоят бошлиғи

Хирий ҳокими Оқбузабекнинг оғасининг наслидиндир

... aus der Familie des älteren Bruders von Akbugha Beg, Beherrschers von Heri.

6. Соҳиби ихтиёр – мустақил иш юритувчи

Умаршайх Мирзо воқеасидан сўнг менинг эшигимда соҳиби ихтиёр ул эди.

Nach Umer Scheikh Mirza's Tode wurde er zum ersten Minister ernannt.

7. Султон Абусаид Мирзога хизмат қилгон даврида ядачилик даъводини қилур эди. Қушчи эди.

Früher stand er in Sultan Abusaid Mirza's Diensten und gab vor ein Magier zu sein. Außerdem liebte er die Jagd.

8. Хонзода – хон авлодига мансуб шахс (аёл киши)

Яна бир Хонзодабегим эди, Тирмиз хонзодаларидин эди.

Khan Zadeh Begum, aus den Stamme der Khan's von Termez.

9. Юнусхон қошида офтобачилик қилди, сўнгра бег бўлуб эди.

*In Yunus Khan's Diensten war er vom Träger des Waschbeckens bis zu Beg gestiegen.*

10. Султон Абусаид мирзо Самарқанд хукуматини ва Султон Аҳмад Мирзо ўз эшигининг ихтиёрини мунга бериб эди, мунга эшик оқо қилиб эди.

*Sultan Abusaid Mirzo hatte ihn zum Befehlshaber von Samarkand und Oberausseher an Sultan Ahmed Mirza's Hofe ernannt.*

11. Қози – ислом қонунлари юзасидан ҳукм ва ижро ишларига белгиланган мансабдор, судья

*Хожа Мавлоний қози ва беклар менинг қошимда келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўйиб, қўрғоннинг бурж ва борусининг забт ва рабтига машғул бўлдилар*

*Nach dem nun in meiner Gegenwart Khajeh Mavlana Kazi und die Begs gehalten hatten, wurde beschlossen die Festung mit ihren Thürmen und Wallen in Verteidigungsten zu setzen.*

12. Яна бир Сайид Юсуф ўқлоқчи эди

*Ein anderer war Said Yusef Oghlakdschi*

13. Султон Аҳмад мирзо қошида эшиқоғо эди

*... wurde er **Befehlshaber** von Sulton Ahmad Mirza in Bukhara.*

14. Шайх – диний раҳбар деган маънони ифодалайди, яъни ислом бошчиси, мусулмонлар жамоаси бошлиғининг жамоаси ҳисобланади.

*Als Ersterer meinen Anzug vernahm, entflohm er ganz allein in das Gebirgsland, Masikha und ließ seinen Statthalter Scheikh Julnun in Uratippa zurück.*

15. Ўртадаги черикни гофил қилиб Абдуллатиф Бахши бошлиқ беш олти юз ўбдон кишини Қилиф гузарига йиборди.

*Als die feindliche Armee in Folge dieser Bewegung ihre Stellung verlassen hatte, schickte er den Abdullatif **Bakschi**, einen sehr geschickten Offizier; mit fünf oder sechs Hundert Leuten zu der Furth bei Kilif (unterhalb Termez)*

16. Баковул – хон дастурхончиси, бош ошпаз

*Ташқаридин Хожя Пир баковул ва улуғ оғалар неким бўлгон созанда ва хонанда келиб, Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлгон улуғ қизини Ҳайдар мирзогаким, Поянда Султонбегимдин бўлуб эди.*

... von Seiten der Belagerer von Haji Pir **Bekawal** und einigen anderen Vornehmen und so vielen Musikanten und Sängern empfangen wurde, als nur aufzutreiben gewesen waren. Darauf wurde die älteste Tochter Sultan Machmud Mirza's und Khanzadeh Begum's mit Haider Mirza vermählt, der ein Sohn Sultan Husayn Mirza's und Pagendeh Sultan Begums

17. Мирзо била Муҳаммад Қули қовчин Ҳасан **шарбатчи** била кирдилар

Mehammed Kuli Kodschin und Hassan **Scherbetschi** gingen mit ihm hinein.

18. Ушбу кун баъзи ички **беклар** Хиёбон бошида Бойсунгур мирзонинг кишиси била илик олишдилар

An diesen Tage griffen einige meiner ersten **Begs** einen Haufen von Baiesanghar Mirza's Truppen auf dem Khiaban

19. Садр – диний амалларнинг энг юқориларидан бири, улуғ мансаб

Хажачи Мулло **Садрким** Хожжа Колоннинг улуғ оғаси эди, йўгон бўйнига ўқ тегди.

*Khvajekha Mullai, der Sadder und ältere Bruder von Kwajeh Kilan wurde mit einem Pfeile in den Nacken geschossen.*

### **2.3. Мансаб номларининг маънавий – луғавий гуруҳлари**

Муайян соҳалар лексемаларини чуқурроқ ўрганиш, унинг тараққиёт қонуниятларини белгилаш, тилнинг умумий лексикологик тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида кейинги пайтларда мавзу гуруҳлари асосида тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. У ёки бу соҳага оид луғавий бирлик терминларини мавзу гуруҳларига ажратишнинг аҳамияти катта эканлигини В.П.Даниленко, Д.С.Лотте<sup>15</sup> кабилар ўз ишларида қайд этиб ўтганлар. Бирор соҳага тегишли лексемаларни мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш, шу соҳа терминларининг умумий бойлигини яққол намоён этишга, унинг хазинаси қандай лексемалардан иборат эканлигини кўрсатишга, уларнинг ясалишини аниқлашга ҳамда луғавий-маъновий жиҳатдан ўзаро алоқасини очиб беришга ёрдам беради. Бу ҳақда Э.Бегматов шундай қайд этади: “Сўзларни тематик гуруҳларга ажратиш муайян халқ тилида қайси соҳаларга оид лексиканинг бой ёки камбағаллигини белгилашга имкон беради. Халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, хўжалиги, маданий турмуши, диний қарашларига оид маълумотлар сўзнинг тематик гуруҳларида равшан ифодаланади”. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилидаги мансаб номларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мансаб маъноларини ифодаловчи лексемалар бевосита давлат

---

<sup>15</sup> Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. М.Наука. 1982

тизими билан боғлиқ. Зеро, давлатни бошқариш, харбий сиёсатни амалга ошириш, ўзга давлатлар билан алоқа қилиш каби омиллар шуни тақазо этади. Жамиятнинг ижтимоий муносабатларини кўрсатувчи кишиларнинг мансаб ва унвонлари халқ, миллатнинг давлат билан муносабатини кўрсатувчи белги ҳисобланган. Ҳар бир давлатнинг олий ва маъмурий бошқарувчиси бўлган. Шу билан бирга юқори ҳоким саройи қошида мансабдор шахслар, харбий саркардалар, диний арбоблар, суд ишларини юритиш билан шуғулланувчи кишилар бўлган. Табиийки уларнинг барчаси ўзига хос номлар билан аталган.

Мансаб ва унвон номларини ифодаловчи лексемаларни асосан қуйидаги мавзуй-маъновий гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Давлат бошқарувидаги мансаб ва унвон номлари
2. Харбий соҳадаги мансаб ва унвон номлари
3. Ҳуқуқ тизимидаги мансаб ва унвон номлари
4. Диний мансаб ва унвон номлари

## 2.4. Давлат бошқарувидаги мансаб ва унвон номлари

Чегараланмаган даражадаги олий ҳукумат юқори табақадаги ҳукмдорлар қўлида бўлган. Бироқ бундай шахс давлатни бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида ўзига хос давлатни бошқариш аппаратини тузган. Бу аппаратда олий ҳукмдорнинг энг ишончли кишилари муайян ишларни юргизганки, улар турли мансаб ва унвонларга эга бўлишган. Табиийки уларнинг барчаси махсус лексемалар билан ифодаланган.

Тарихий тараққиёт натижасида давлатни ва ҳокимиятни бошқариш тизимида тубдан ўзгаришлар рўй берган. Олий ҳукмдорнинг чекланмаган ваколати республика ташкил топгач тугатилган. Айнан Ўзбекистон тарихи нуқтаи назаридан эса хонлик ва амирликдан сўнг Россия истилоси натижасида генерал-губернаторликлар ташкил этилган. Шунга мувофиқ равишда давлат бошқарув тизимида ҳам ўзгаришлар юзага келган.

Тарихий манбалар, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудидаги давлатнинг олий ҳукмдори Хоқон, хон, халифа, подшоҳ, шоҳ, шаханшоҳ, султон, амир каби номлар билан аталиб келинган.

Хон//хоқон лексемаси туркий қабила ҳамда мўғул халқларининг йирик қабилавий бирлашмалари ёҳуд давлатларни бошқарган шахсга нисбатан ишлатилган.

Хоқон термини биринчи марта эрамизнинг 312 йилига оид Хитой йилномаларида қайд қилинган. Олимларнинг гувоҳлик



беришларича, хон ва хоқон лексемалари аслида хитойча бўлиб, “куан”, яъни “олий ҳукмдор” маъносини англатади.

Кейинчалик хон сўзи хоқон лексемасига хос маъно ва вазифада ишлатилган бўлиб, бу асосан Моварауннаҳр тарихига оид.

Хон лексемаси З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида кўп учраганлиги, ушбу лексема шу давр тарихида муҳим аҳамият касб этганидан далолат.

*Масалан, “Мўғул тўраси била хонни ва эсан Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғузиб, хон кўтардилар”<sup>16</sup>*

*“Бу аҳвол муносабати билан ҳазрати Ҳоқондан, гулнинг аробаларини илгари суришига фармон бўлди.”<sup>17</sup>*

Амир лексемаси арабчадан ўзлаштирилган бўлиб, “Хукмдор”<sup>18</sup> маъносини билдиради. Мазкур луғавий бирлик ўша вақтда фаол қўлланган. Бундан кейинги даврларда ўзбек тилида амир лексемасининг қўлланиш доираси чекланган. Чунки темурийлар сулоласи емирилгандан кейин Марказий Осиё худудида катта-ю кичик давлатлар юзага келдики, улар хон, султон каби мансаб ва унвонларни билдирувчи лексемалардан фойдаланила бошланди.

*М: Тошканд бузуглиги Шайбонийхоннинг ўғли Темур султонга тушуб эрди, анинг бир қизи бўлуб эди.*<sup>19</sup>

---

<sup>16</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 13-бет

<sup>17</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 366-бет

<sup>18</sup> Баранов Х.К. арабско-русский словарь. С-44.

<sup>19</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 14-бет

“Бобурнома”нинг немисча талқинида берилган қуйидаги унвон ва мансаб номларини мисол келтирамиз.

*Тошканд бузуғлигида Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга тушуб эрди, анинг бир қизи бўлиб эди.*

*... wurde bei der Einnahme von Taschkent von Scheibani Khans Sohne Temur Sultan gefangen und gebar von ihm eine Tochter.*

*Шохбегим Бадахшон шоҳи шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди.*

*Schach Begum war die Tochter des Schach Sultan Muhammed, Königs von Badukschan.*

*Андижон вилоятини бериб, Худойберди тўғчи Темуртошни бек атка қилиб юборди.*

*Umerscheich Mirza gab ihm den Khoda-Berdi Taimur-Tasch zu seiner Unterstützung dahin mit.*

*Хирий ҳокими Оқбузабекнинг оғасининг наслидиндир*

*... aus der Familie des älteren Bruders von Akbugha Beg, Beherrschers von Heri.*

Умаршайх Мирзо воқеасидан сўнг менинг эшигимда сохиби ихтиёр ул эди.

*Nach Umer Scheikh Mirza's Tode wurde er zum ersten Minister ernannt.*

Юнусхон қошида офтобачилик қилди, сўнгра бег бўлуб эди.

*In Yunus Khan's Diensten war er vom Träger des Waschbeckens bis zu Beg gestiegen.*

Султон Абусаид мирзо Самарқанд ҳукуматини ва Султон Аҳмад Мирзо ўз эшигининг ихтиёрини мунга бериб эди, мунга эшик оқо қилиб эди.

*Sultan Abusaid Mirzo hatte ihn zum Befehlshaber von Samarkand und Oberausseher an Sultan Ahmed Mirza's Hofe ernannt.*

Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунгур мирзонинг кишиси била илик олишдилар

*An diesen Tage griffen einige meiner ersten Begs einen Haufen von Baiesanghar Mirza's Truppen auf dem Khiaban*

## 2.5. Диний мансаб ва унвон номлари

Тарихий манбалардан маълумки, Марказий Осиё феодализмда диний уламолар алоҳида бир табақани ташкил этган. Уларнинг мусулмонларга таъсири кучли бўлган. Мазкур ҳолат ҳукмдорларни дин вакиллари билан ҳисоблашиб иш кўришга мажбур этган. Шу боисдан, давлат бошқарув тизимининг бир қисми уламолар қўлида бўлган.

Шунга кўра, ёзма ёдгорликларда диний мансаб ва унвонларни ифодаловчи лексемаларни кўплаб учратиш мумкин. Бундай мансаб ва унвонлар ичида шайхулислом энг юқори диний бошлиқ ҳамда исломда энг катта диний мансаб ҳисобланган.<sup>20</sup>

Шайхулислом – арабча сўз бўлиб, “диний раҳбар” деган маънони ифодалайди, яъни ислом бошчиси, мусулмонлар жамоаси бошлиғининг жамоаси ҳисобланади.

Шайхулислом лексемаси, айниқса Бобурнинг “Бобурнома” асарида кўплаб ўринларда учрайди.

Масалан: Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар.<sup>21</sup>

Муфти//муфтий лексемаси “шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо”. Ўтмишда муфти бир йўла чиқарувчи,

---

<sup>20</sup> Мазкур лексема ҳозирда ҳам шу маъносида ишлатилаётганлиги ҳақида маълумотни келтирамиз: ислом ташкилотларидан фақат шиаликка мансуб Закавказье мусулмонлар диний бошқармаси раҳбари Ш.у.-и унвони билан юритилади. (Қаранг: Ислом справочниги. Т., 1989. Б. 279)

<sup>21</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 51-бет

мутахассислик, яъни мударрис мансаби ёхуд олий мадрасининг ўқитувчиси сифатида хизмат қилган.

Марказий Осиёдаги давлатларда билимли кишилар ва уламолар унвони шайх лексемаси билан ҳам ифодаланган. Олимларнинг қайд этишича, шайх лексемаси ёши улуғ кишиларга нисбатан қўлланган.

Ҳақиқатан ҳам, шайх унвони диний фанларни чуқур билувчи олимларга ҳамда дин йўлида ўзининг билими билан катта обрў-эътибор қозонган шахсларга нисбатан қўлланган.

Масалан: Орада шайх Абдулло барлосдан айрилиб, Убож гузари била ўтиб, Султон Ҳусайн мирзога берди.<sup>22</sup>

Қози – ислом қонунлари юзасидан ҳукм ва ижро ишларига белгиланган мансабдор, судья.

Қози лексемаси кўп туркий манбаларда, шу жумладан Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам келтирилган.

“Хожа Мавлонойи қози ва беклар менинг қошимда келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўюб, қўрғоннинг бурж ва борусининг забт ва рабтига машғул бўлдилар.”<sup>23</sup>

“Бобурнома”нинг немисча талқинида диний соҳага оид унвон ва мансаб номлари кўплаб ўринларда учрайди. Улардан баъзиларини ўзбекча муқобиллари билан мисол тариқасида келтиришни жоиз топдик.

---

<sup>22</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 53-бет

<sup>23</sup> З.М.Бобур “Бобурнома” Тошкент. 1989. 18-бет

*Хажачи Мулло **Садрким** Хожжа Колоннинг улуг оғаси эди, йўгон бўйнига ўқ тегди.*<sup>24</sup>

*Khvajekha Mullai, der **Sadder** und ältere Bruder von Kwajeh Kilan wurde mit einem Pfeile in den Nacken geschossen.*<sup>25</sup>

*Als Ersterer meinen Anzug vernahm, entfloh er ganz allein in das Gebirgsland, Masikha und ließ seinen Statthalter Scheikh Julnun in Uratippa zurück.*

*Хожжа Мавлоний **қози** ва **беклар** менинг қошимда келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўйюб, қўрғоннинг бурж ва борусининг забт ва рабтига машгул бўлдилар*

*Nach dem nun in meiner Gegenwart Khajeh Mavlana **Kazi** und die **Begs** gehalten hatten, wurde beschlossen die Festung mit ihren Thürmen und Wallen in Verteidigungsten zu setzen.*

---

<sup>24</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989

<sup>25</sup> Denkwürdigkeiten des Zehiriddin Muhammed Baber, Keisers von Hindustan, von ihm selbst in Dechagetei Türkischen verfasst und nach der englischen Übersetzung des Dr.Leyden und W.erskine deutsch bearbeitet von A.Kaiser. Leipzig. 1828

## Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, битирув малакавий ишини ёзиш давомида “Бобурнима”даги ўзбекча унвон ва мансаб номларининг немисча таржималарини таҳлил қилиш баъзи қийинчиликларни юзага келтирди. Бунга сабаб қилиб, “Бобурнома” асарининг А.Кайзер томонидан таржима қилинган варианты туркий тилдан эмас балки, инглиз тилидан таржима қилинганлигини келтиришимиз мумкин.

Ишни ёзиш давомида топилган мисоллар турларга бўлинди ва уларга изоҳ бериб ўтилди. Тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, унвон ва мансаб сўзларнинг таржимасида баъзи бир ўзига хосликлар кўзга ташланади:

*Юнусхон қошида офтобачилик қилди, сўнгра бег бўлуб эди.*

*In Yunus Khan's Diensten war er vom Träger des Waschbeckens bis zu Beg gestiegen.*

*Султон Абусаид мирзо Самарқанд ҳукуматини ва Султон Аҳмад Мирзо ўз эшигининг ихтиёрини мунга бериб эди, муни эшик оқо қилиб эди.*

*Sultan Abusaid Mirzo hatte ihn zum Befehlshaber von Samarkand und Oberausseher an Sultan Ahmed Mirza's Hofe ernannt.*

Хос лексика ва реалияларни таржима қилиш жараёнида уларнинг қай даражада тарқалганлигига эътибор бериш лозим. Агарда таржима амалиёти маълум бир халқ доирасида бўлса, бу хорижий китобхонга тушунарсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга

шарҳ бериш зарурати пайдо бўлади. “Бобурнома”нинг немисча талқинидаги бундай сўзларга шарҳ берилмаган.

Мазкур иш немис адабиёти дарсларида рефератлар, курс ишлари учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.



## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. A.Kaiser. Denkwürdigkeiten des Zehiriddin Muhammed Babur Keisers von Hindustan. Leipzig. S.H.T.Hartmann. 1828
2. Баранов Х.К. арабско-русский словарь.
3. Ғайбуллоҳ ас Салом. Таржима назарияси ва амалиётдан маърузалар матни чизгилари.Т.,
4. Дилбар Рашидий. Ўзбек романи ўзбек тилида. “Жаҳон адабиёти”, 2002, 12 – сон
5. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1962, 5-сон.
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989
7. Каримов Ш.Қ. Адабий алоқалар ва таржима. Мақоласи
8. Лотте Д.С. Вопросы заимствование и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. М.Наука. 1982
9. Н.Жиянова “Бобурномадан нумеративларнинг маъно хусусиятлари” Автореферат. Тошкент 2000
10. Н.Комилов «Таржима санъати» Тошкент 1976
11. Р.Саломов «Таржима назарияси асослари» Тошкент 1983
12. Р.Саломов «Таржима назариясига кириш» Тошкент 1978
13. Р.Саломов «Тил ва таржима» Тошкент 1966
14. Т.Жўраев «Таржима санъати» мақолалар китоби 6-китоб. Тошкент 1985
15. Ўзбек адабиётига чизгилар. Т., “Маънавият”, 2001